# ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда).

| | |
|---|---|
| тармоқлар | 109 |
| Шулардан: | |
| Пахта тозалаш саноати | 125 |
| Озиқ-овқат саноати | 108 |
| Гўшт-сут саноати | 96 |
| Балиқ саноати | 139 |

Электр энергетика, химия ва нефть химияси саноати, машинасозлик анча юксак суръатлар билан ўсиб борди. Маданий-маиший ва рўзғор учун мўлжалланган товарлар ишлаб чиқариш 1984 йилдагига нисбатан 7 процент ошиқ бўлди.

Саноатда **меҳнат унумдорлиги** 3,8 процент ошди, ишлаб чиқариш ўсишининг 78 проценти унумдорлик ҳисобига таъминланди.

Саноатда умуман меҳнат унумдорлигининг ортиши ўртача иш ҳақининг ошишидан илдам бўлди.

Маҳсулот реализация қилиш планининг бажарилиши ва ўсиш суръатлари кўрсаткичлари қуйидагича бўлди:

| | Маҳсулот реализация қилиш йиллик планининг бажарилиш проценти | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида: ишлаб чиқариш ҳажми бўйича | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида: меҳнат унумдорлиги бўйича |
|---|---|---|---|
| **Шаҳарлар:** | | | |
| Тошкент | 102 | 106 | 105 |
| Олмалиқ | 100,3 | 102 | 101 |
| Ангрен | 96 | 100,4 | 97 |
| Оҳангарон | 100,9 | 104 | 103 |
| Бекобод | 97 | 100,9 | 99,7 |
| Нариманов | 101 | 108 | 108 |
| Чирчиқ | 94 | 104 | 104 |
| Янгийўл | 102 | 105 | 105 |
| **Районлар:** | | | |
| Оққўрғон | 99,2 | 136 | 129 |
| Оҳангарон | 99,4 | 102 | 109 |
| Бекобод | 104 | 122 | 112 |
| Бўстонлиқ | 102 | 104 | 103 |
| Бўка | 105 | 142 | 131 |
| Ғалаба | 101 | 109 | 102 |
| Калинин | 96 | 94 | 95 |
| Коммунистик | 99,2 | 112 | 107 |
| Оржоникидзе | 93 | 102 | 100,9 |
| Паркент | 102 | 89 | 90 |
| Пискент | 102 | 127 | 120 |
| Ўрта Чирчиқ | 96 | 104 | 103 |
| Тошкент | 111 | 60 | 63 |
| Чиноз | 103 | 107 | 109 |
| Янгийўл | 102 | 97 | 97 |

1985 йилда қатор саноат министрликларининг 21 та ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлади. Уларнинг кўпчилигида шартнома интизоми яхшиланди.

Химия ва нефть машинасозлиги корхоналари шартнома мажбуриятларини тўла ҳажмда бажардилар.

**Муҳим маҳсулот турларини** ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

| | 1985 йилда ишлаб чиқарилди | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Электр энергияси — миллиард киловатт-соат | 24,0 | 110 |
| Минерал ўғитлари (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) — минг тонна | 655,2 | 102 |
| Олтингугурт кислотаси — минг тонна | 1398,2 | 109 |
| Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер | 7567 | 102 |
| Брон кабели — минг километр | 20,1 | 110 |
| Компрессорлар — минг дона | 11,5 | 108 |
| Тракторлар — минг дона | 26,4 | 101 |
| Трактор прицеплари — минг дона | 34,4 | 96 |
| Трактор культиваторлари — минг дона | 22,0 | 120 |
| Пахта териш машиналари — минг дона | 9,4 | 93 |
| Электрик кўприк кранлари (махсуслари ҳам ҳисобга киради) — дона | 1448 | 103 |
| Экскаваторлар — дона | 1576 | 109 |
| Картон — минг тонна | 7,4 | 102 |
| Йиғма темир-бетон — миллион куб метр | 2,7 | 103 |
| Шифер — шартли миллион плита | 215 | 104 |
| Иморатбоп ғишт — миллион дона | 507 | 102 |
| Нотўқима материаллар — миллион квадрат метр | 3,4 | 101 |
| Пайпоқлар — миллион жуфт | 0,5 | 89 |
| Ички трикотаж — миллион дона | 12,3 | 99,8 |
| Устки трикотаж — миллион дона | 9,1 | 102 |
| Пойабзал — миллион жуфт | 14,4 | 103 |
| Чинни-фаянс идишлари — миллион дона | 23,7 | 103 |

Электр энергияси ҳосил қилиш, компрессорлар, йигирув машиналари, тракторлар, трактор культиваторлари, пахта териш ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, экскаваторлар, деразa ойнаси ишлаб чиқариш йиллик плани бажарилди.

Кўпчилик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш топшириқлари ошириб адо этилди. Пландагидан ташқари 0,4 миллион дона ички ва устки трикотаж, 154 минг жуфт пойабзал, 188 минг дона чинни-фаянс идишлари ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Айни вақтда кўмир қазиб чиқариш, брон кабели, минерал ўғитлари, иморатбоп ғишт, йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Шартнома мажбуриятлари тўла уддаланмади.

Химия саноати министрлигининг бирлашмалари ва корхоналари минерал ўғитлари ишлаб чиқариш, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги, Давлат агросаноати корхоналари ва бирлашмалари маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажаришдан анча орқада қолдилар.

Қатор министрликлар ва идораларнинг корхоналари ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланмадилар, моддий ресурсларни тежаш, таннархни арзонлаштириш, жамғарма олиш бўйича топшириқлар ва социалистик мажбуриятларни адо этмадилар, бир маромда ишламадилар, паст сифатли маҳсулот чиқардилар. Иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланишда катта камчиликлар мавжуд.

## III. АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Агросаноат комплекси тармоқлари ходимлари Озиқ-овқат программасини бажариш тадбирларини амалга оширдилар. Ўтган йили область пахтакорлари 427,5 минг тонна пахта етиштирдилар ва давлатга сотдилар. Янгийўл, Ғалаба, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Чиноз, Коммунистик, Бўка ва Оққўрғон районлари пахта етиштириш ва харид қилиш план-топшириқларини бажардилар.

1985 йилда барча категориядаги хўжаликларда 167,8 минг тонна дон, шу жумладан 40,9 минг тонна шоли, 74,0 минг тонна картошка, 541,1 минг тонна сабзавот, 41,3 минг тонна қовун-тарвуз, 128,4 минг тонна мева ва резавор, 84,7 минг тонна узум етиштирилди.

1986 йил ҳосили учун 33,7 минг гектар майдонга кузги буғдой экилди, 254,3 минг гектар майдон шудгорлаб қўйилди.

Кузги-қишки тадбирлар — суғориш тармоқларини тозалаш, тупроқда нам тўплаш, далаларга органик ва минерал ўғитларни чиқариш ишлари амалга оширилмоқда. Ремонтчи бригадалар қишлоқ хўжалик техникасини кўкламги экиш ишларига тахт қилмоқдалар.

Барча категориядаги хўжаликларда **маҳсулдор чорва моллари туёғи** қуйидагича бўлди (минг бош ҳисобида):

| | 1 январгача 1985 йил | 1 январгача 1986 йил |
|---|---|---|
| Қорамоллар | 385,8 | 368,4 |
| Шу жумладан сигирлар | 145,9 | 143,4 |
| Чўчқалар | 248,5 | 237,2 |
| Қўй ва эчкилар | 591,8 | 559,7 |

Областнинг қатор хўжаликларида чорва ва паррандaнинг маҳсулдорлиги камайиб кетди, бу гўшт, сут, жун етиштиришнинг камайишига олиб келди.

Барча категориядаги хўжаликларда **чорвачилик маҳсулотларини давлат томонидан харид қилиниши** қуйидагича бўлди:

| | 1984 й. | 1985 й. |
|---|---|---|
| Чорва ва парранда — тонна: | | |
| Тирик вазнда | 49443 | 51653 |
| Сўйилган вазнда | 31811 | 34022 |
| Сут — тонна | 150497 | 147465 |
| Тухум — миллион дона | 315 | 348 |
| Жун (соф толага айлантириб ҳисоблаганда) — тонна | 1171 | 1125 |

Чорва ва парранда, тухум, жун, пиллани давлат томонидан харид қилиш план-топшириқлари бажарилди.

Колхозлар ва совхозларда бригада пудратини жорий қилиш негизида меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш давом этди: хўжалик ҳисоби жорий қилинди.

**Агросаноат комплекси бўйича** маҳсулотнинг асосий турларини етиштириш қуйидагича бўлди:

| | Етиштирилди 1984 йил | Етиштирилди 1985 йил |
|---|---|---|
| Пахта толаси — минг тонна | 107,4 | 134,9 |
| Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани) — минг тонна | 67,5 | 63,4 |
| Колбаса маҳсулотлари — минг тонна | 31,1 | 31,2 |
| Балиқ маҳсулотлари (балиқ консервалари ҳам ҳисобга киради) — миллион сўмлик | 11,4 | 13,4 |
| Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда — минг тонна | 182,2 | 185,8 |
| Ўсимлик мойи — минг тонна | 40,1 | 50,9 |
| Кондитер маҳсулотлари — минг тонна | 79,3 | 79,7 |
| Консервалар — шартли миллион банка | 203,6 | 223,0 |
| Алкоголсиз ичимликлар — минг декалитр | 4255 | 5059 |

Агросаноат комплекси системасига **капитал маблағ сарфлаш** 263 миллион сўмни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалигида қорамолларни парвариш қилиш учун чорвачилик бинолари, шунингдек, паррандалар учун бинолар қурилди, гўшт етиштиришга мўлжалланган паррандачилик фабрикаларининг қуввати оширилди.

Минерал ўғитларини сақлаш учун омборлар, чорвачилик учун силос иншоотлари, озуқа цехлари фойдаланишга топширилди.

Давлат маблағлари ҳисобига 2769 гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди. 5819 гектар майдонда ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилди, суғориш тармоқлари қуриш ва 17773 гектар майдондаги ернинг сув билан таъминланишини яхшилаш бўйича ишлар амалга оширилди.

Агросаноат комплекси тармоқларида эришилган ютуқлар қатори катта камчиликларга йўл қўйилди. Қатор колхозлар ва совхозлар ҳамон давлатга деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини бажармаяпти. ресурслардан самарасиз фойдаланишга, техниканинг тўхтаб қолишига, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг исроф бўлишига йўл қўймоқда, хўжалик ҳисобининг таъсирчанлигини таъминламаяпти. Қайта ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг айрим бирлашмалари ва корхоналари тайёрланаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини сезиларли даражада яхшилашга эришмадилар.

## IV. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Транспорт айрим турларининг юк ташиши ва юк обороти қуйидагича бўлди:

| | 1985 йилда бажарилди | 1985 йилда 1984 йилга нисбатан процент ҳисобида |
|---|---|---|
| Юк ташиш — миллион тонна: | | |
| Темирйўл транспорти | 27 | 108 |
| Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти | 92 | 105 |
| Юк обороти — миллион тонна-километр: | | |
| Темирйўл транспорти | 22033 | 103 |
| Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти | 1416 | 103 |

**Темирйўл транспорти** юкларни ташиш умумий ҳажми, шу жумладан цемент, бинокорлик юклари, пахта толаси, пассажир обороти ва юк обороти йиллик планини уддалади. Шу билан бирга тошкўмир ва минерал ўғитлари ташиш топшириқлари, юк локомотивлари ва вагонларининг ўртача суткалик унумдорлиги бўйича топшириқлар бажарилмади.

1985 йилда 13 мингта оғир юкли поездлар бошқарилди, уларда қўшимча 7 миллион тоннадан кўпроқ турли хил халқ хўжалик юклари ташилди.

**Автомобиль транспорти** юк ташиш, юк обороти ва енгил таксомоторларнинг пулли қатнови планларини бажарди. Автобусларда пассажирлар ташиш 4 процент кўпайди. Юк автомобилларидан фойдаланиш яхшиланмади, пассажирлар ташиш, пассажир обороти бўйича белгиланган ҳажмга эришилмади.

**Ҳаво транспорти** юк обороти, юк ташиш планини ошириб адо этди. 3 миллион нафардан ортиқ киши ташилди.

Бироқ, халқ хўжалигининг қатор юкларни ташишга бўлган эҳтиёжи транспорт томонидан тўла таъминланмади, ҳаракатдаги составнинг юк ортиш-тушириш операциялари вақтида тўхтаб туриши ва бўш қатнови ҳали ҳам давом этмоқда.

**Алоқа корхоналари** маҳсулот ҳажмининг 5 процент ортишига эришдилар.

Топшириқларга мувофиқ шаҳарлараро алоқа линияларидаги телефон каналларининг узунлиги, маълумотлар бериш ва телеграф тармоғи умумдавлат системаси каналларининг коммутация узеллари ҳажми, шаҳар телефон станциялари, узел почта корхоналарини комплекс механизациялаш кенгайди. Қишлоқ телефон станциялари ҳажмини ошириш плани бажарилди.

## V. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Ишлаб чиқариш ва социал қурилиш программаси амалга оширила борилди.

Областда янги корхоналарни қуриш, ишлаб турганларини кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобига муҳим ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилди.

Конструкцион материаллар ва хомашё ишлаб чиқарувчи тармоқларда Чирчиқ бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш бўйича қувватлари фойдаланишга топширилди.

Ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларида Янги Ангрен ГРЭСининг қувватлари ишга туширилди, турли кучланишдаги электр узатиш линиялари, шунингдек, 35 киловольт ва ундан ҳам юқори кучланишли кичик трансформатор станциялари фойдаланишга топширилди.

**Халқ истеъмоли товарлари** ишлаб чиқарувчи қувватлар ошди. Тошкент каноп фабрикаси йигирув ва тўқув ишлаб чиқаришининг Пискентда филиаллари фойдаланишга топширилди.

Давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотлари, шунингдек, колхозлар маблағлари ҳисобига халқ хўжалигига **сарфланган капитал маблағ** 1439 миллион сўмни ташкил этди.

Шу билан бирга капитал маблағларни сочиб юбориш ва объектларни барпо этишнинг норматив муддатларини чўзиб юбориш каби ҳоллар бартараф этилгани йўқ, асосий фондларни, қатор ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планлари бажарилмади. Кўпгина ташкилотлар товар қурилиш маҳсулоти, пудрат ишлари ҳажми, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ишлар таннархини камайтириш бўйича топшириқларнинг уддасидан чиқмади.

## VI. ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИ

Экономикани ўстириш негизида халқ фаровонлигининг янада яхшиланиши таъминланди.

Аҳолининг **реал даромадлари** ошди. Халқ хўжалигида ишчилар ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 1984 йилдаги **158,6** сўм ўрнига **160,7** сўмни ташкил этди.

Совхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналари мутахассислари ва хизматчиларининг мансаб маошлари оширилди. Чорвачиликда банд бўлган ишчиларнинг маошига устама ҳақ тўлаш жорий этилди ва шу хўжаликдаги узлуксиз иш стажи учун қўшимча отпуск белгиланди. Мактаб-интернатлар, болалар уйлари ва гўдаклар уйларининг медицина, маъмурий-хўжалик ва хизмат ходимларининг ҳамда бошқа баъзи ходимларнинг мансуб маошлари оширилди.

Қурилиш ва соғлиқни сақлаш ходимлари айрим категорияларининг иш ҳақи юзасидан қўшимча имтиёзлар белгилаб чиқилди.

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари ҳамда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг моддий ва маиший турмуш шароитлари янада яхшиланди.

Колхоз аъзоларининг кексалик, инвалидлик ва боқувчисидан маҳрум бўлган ҳоллардаги пенсияларининг энг оз миқдори оширилди. Ишчилар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига бундан 10 йилдан ҳам аввал ойига 60 сўмгача миқдорда тайинланган пенсиялар кўпайтирилиб, уларнинг даражаси ҳозирги вақтда шундай касб-кор ва малака ходимларига белгиланувчи пенсиялар миқдорига яқинлаштирилди. Пенсия таъминотини яхшилаш соҳасида бошқа қўшимча тадбирлар амалга оширилди.

Давлат ички заёмлари облигацияларининг пули қайтарилди.

Давлат ва кооператив савдосининг **чакана товар обороти 4,0** миллиард сўмликни ташкил этди ва 1984 йилдагига нисбатан қиёсий нархларда 0,1 миллиард сўмлик ёки 3,7 процент ошди. Бироқ, чакана товар обороти йиллик плани бажарилмади, айрим озиқ-овқат ва саноат товарларига нисбатан ортиб бораётган эҳтиёж тўла қондирилмади.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш чоралари ўтказилмоқда. Июнь — декабрь ойларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан алкоголь ичимликларини сотиш 38 процент камайди, вино-арақ маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазинлар сони 68 процент қисқарди.

**Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми** ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,7 процент ошди. Шу билан бирга аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми плани бажарилмади. Маиший хизмат кўрсатиш бўйича буюртмаларнинг бажарилиш сифати ва муддатлари ҳар доим ҳам аҳолини қаноатлантирмаяпти.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига умумий фойдали майдони 1400 минг квадрат метрдан ортиқроқ бўлган уй-жойлар фойдаланишга топширилди.

Давлат ва колхозлар маблағлари ҳисобига 24,5 минг ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 7945 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 586 ўринли касалхоналар, ҳар сменада 710 беморни қабул қилувчи амбулатория-поликлиника муассасалари, 2160 ўқувчи ўрни бўлган ҳунар-техника билим юртлари ва кўпгина бошқа социал-маданий хизмат кўрсатувчи объектлар фойдаланишга топширилди.

**Атмосфера ҳавосини, сув ресурсларини муҳофаза этиш,** ер-сувдан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳимоя этиш, ёввойи ҳайвонлар ва балиқ запасларини тиклаш тадбирлари ўтказилди.

Умумий таълим ва ҳунар мактабини **ислоҳ қилиш** изчиллик билан амалга оширилмоқда. Асосий фанлар бўйича мавжуд программа ва дарсликлар такомиллаштирилмоқда. Ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси, уларни касб-ҳунарга йўллаш яхшиланмоқда.

Шу ўқув йилида базавий корхоналар ўқувчиларнинг ижтимоий-фойдали меҳнати учун 4,2 мингдан ортиқ иш ўрнини жиҳозлади.

1,4 миллион киши турли хил таълимга жалб этилди, улардан 771,3 минг киши умумий таълим мактабларида, 54,3 минг киши ҳунар-техника билим юртларида, 82,2 минг киши ўрта махсус ўқув юртларида, 168,4 минг киши олий ўқув юртларида таълим олди. 1985 йилда 55,6 минг йигит ва қизлар, улардан 11,3 минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот олди.

Куни узайтирилган мактаблар ва группаларда 264,6 минг ўқувчи тарбияланмоқда, бу ўтган йилдагига нисбатан 1,9 процент кўпдир.

290 мингдан ортиқ бола доимий мактабгача ёшдаги болалар муассасаларига жалб қилинган. Мавсумий мактабгача ёшдаги болалар муассасалари 9,2 минг болага хизмат қилди.

Олий ўқув юртларига 35,9 минг киши, ўрта махсус ўқув юртларига 29,8 минг киши қабул қилинди, улардан 28,4 минг киши олий ўқув юртлари ва техникумларнинг кечки ҳамда сиртқи бўлимларига қабул қилинди. 1985 йилда 50 минг мутахассис, шу жумладан олий маълумотли 27,8 минг, ўрта махсус маълумотли 22,2 минг мутахассис тайёрланди.

Ҳунар-техника билим юртлари бир йилда 27 минг малакали ишчи тайёрладилар ва уларга 34 мингга яқин киши қабул қилинди.

81 минг нафардан ортиқ киши бевосита ишлаб чиқаришда таълим олди ва янги касб эгаллади, салкам 255 минг киши малакасини оширди.

Ўтган йили охирига келиб 448 мингга яқин киши олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотга эга эди.

Китоб фонди 18 миллион нусхадан кўпроқ бўлган 1,1 минг оммавий кутубхона китобхонларга хизмат кўрсатди.

926 та кино қурилма ишлади, бир йилда кино сеансларига кирганлар сони 44 миллион кишини ташкил этди.

Аҳолига **медицина хизмати кўрсатиш такомиллаштирилди.** Барча ихтисосдаги врачлар сони 2,2 минг нафар кўпайди ва 21,1 минг кишини ташкил этди.

Қарийб 315 минг бола ва ўсмирлар ёзни пионер ва мактаб лагерларида, экскурсия-туристик базаларида ўтказдилар ёки ёз вақтида болалар муассасалари бўлган чорбоғларда бўлдилар.

Жисмоний тарбия ва спорт янада ривожланди.

Тошкент области ва Тошкент шаҳри **аҳолиси сони** 1986 йилнинг 1 январига келиб 4122,8 минг кишини ташкил этди.

* * *

ЎТГАН ЙИЛ ўн биринчи беш йилликни якунлади. 1981—1985 йилларда КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажариш чоғида халқ фаровонлигини юксалтириш, экономика барча тармоқларини ўстиришда яна бир янги катта қадам қўйилди. Меҳнат коллективлари 1986 йил — ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили планининг бажарилишини таъминлаш, Тошкент области ва Тошкент шаҳрининг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш борасидаги ишларни кучайтириб юбордилар.

*ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ*
*ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ*

# ТАРИХИЙ ЛАВҲАЛАР

**РОССИЯДА 1905—1907 ЙИЛЛАРДАГИ БИРИНЧИ РУС РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИ**

## СИНФИЙ ҚАРДОШЛИК

1906 йилда Ўрта Осиё темир йўли ишчилари чоризм маъмуриятига қарши курашда яна бир ғалабага эришдилар. Уларнинг талаби билан уч ой ёз давомида саккиз соатлик иш куни жорий этилди. Аммо Оренбург—Тошкент темир йўлида маъмурлар ишчиларнинг шундай талабига рози бўлишмади.

Шунда темирйўлчилар устахона ва депода ўзлари саккиз соатлик иш кунини жорий этдилар. Бундан талвасага тушган маъмурият Петербургга темир йўллар министрлигига хабар юборди. Тобора кучайиб бораётган революция тўлқинидан қўрққан министр темир йўл ишчиларининг талабига кўнмасликнинг иложи йўқлигини англади. Июль ойида расмий равишда Оренбург-Тошкент йўлида саккиз соатлик иш куни жорий этилди. Бу ғалаба Тошкентдаги бошқа ишчиларни ҳам руҳлантириб юборди. Шаҳардаги Рудницкий ва Блок заводларида ҳам шундай иш соати жорий қилинди.

Биринчи рус революцияси йилларида рус пролетариатининг курашига ўзбек ишчилари ҳам қўшилдилар. 1906 йил июль ойида Дюршмидт деган капиталистга қарашли завод бошқарувчиси малакали рус ишчисини ҳақорат қилиб, уни ишдан ҳайдади. Шунда заводнинг яна беш нафар рус ишчиси агар ўртоқларини ишга қайта олишмаса улар ҳам заводдан кетишларини маълум қилишди. Бу корхонада меҳнат қилаётган 13 нафар ўзбек ишчиси ҳам маъмурият олдига шундай талаб қўйди. Бироқ, завод бошқарувчиси ишчиларнинг бу талабига кўнмади. Шунда рус оғалари қатори бу ўзбек ишчилари ҳам заводни тарк этишди. Бу синфий қардошликнинг намойиши эди.

## БИРИНЧИ МАЙ БАЙРАМИДА

Бу йил меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни-1 Майнинг 100 йиллиги нишонланади. Биринчи рус революцияси йилларида Тошкентда бу байрам кенг нишонланган эди.

Апрель ойи охирларида Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бош устахоналари ишчилари устахона бошлиғи инженер Шпаковскийга 1 Май кунида дам берилишини сўраб мурожаат қилдилар. Аммо у ишчиларга дағдаға қилиб, ким 1 Май куни ишга чиқмаса маошининг ярмидан ажралишини айтди. Лекин, 1906 йил 1 Май куни 800 ишчи ишга чиқмасдан синфий байрамларини нишонлади.

Устахона маъмурияти 2 май куни ишчиларга жарима солинганлигини маълум қилди. Бундан ғазабланган меҳнат аҳли Шпаковскийдан изоҳ талаб қилди. У эса ишчиларни ҳақоратлаб жарима бекор қилинмаслигини айтди. Шунда ишчилардан бири кўмирдан бўшаган қопни унинг бошига ёпди. Юз-кўзи қора бўлиб шармандаси чиққан Шпаковский бу ишчини топишга уринди. Полиция ҳам темирйўлчиларни тафтиш қилди. Лекин ишчилар ўртоқларининг номини айтишмади.

Номаълум ишчининг бу жасорати Петербургга ҳам бориб етди. Ашхободдан бу ишни текшириш учун Ўрта Осиё темир йўли бошлиғи генерал Ульянин етиб келди. У ишчилар делегациясини ўз ҳузурига чақирди. Аммо улар генерал ҳузурига боришдан бош тортдилар.

Генерал ишчиларга қандай чора кўриш ҳақида Петербургдан маслаҳат сўради. Темир йўллар министри барча ишчиларни бўшатиш кераклигини айтди. 800 ишчи устахонадан ҳайдалди.

Подшо маъмурлари уларнинг ўрнига бошқаларни ёллашга ҳаракат қилди. Шунда большевиклар Туркистон темир йўллари ишчиларига Тошкент ишчиларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида даъват қилди. Бу чақириққа жавобан темирйўлчилар ўртасида ҳамкорлик фонди тўплана бошланди. Туркистон ўлкасининг барча жойларидан Тошкент ишчиларига хайрихоҳлик билдирилган телеграммалар келиб турди.

Устахоналар бир ойча ёпиқ турди. Чор маъмурияти Самарқанд, Черняево, Фарғонадан чақирган темирйўл қўшинлари солдатлари ишчилар ўрнида ишлашдан бош тортишди. Чоржўйдан чақирилган темирйўлчилар, ҳам шундай қилдилар. Натижада темир йўл катта зарар кўра бошлади. Чор маъмурияти чекинишга мажбур бўлди.

1906 йил 26 июнда устахоналарда иш бошланди. Ишчиларга икки ҳафталик маош тўланиб, 1 Май байрамида қатнашганлиги учун солинган жарима бекор қилинди.

## БОЛЬШЕВИКЛАР ЯШИРИН ГАЗЕТАСИ

1906 йил 9 январда Тошкентда «Солдатский листок-Правда» деб номланган газета пайдо бўлди. Полиция оёққа туриб, унинг қаерда нашр қилинганлигини излашга тушди. Бироқ бундан натижа чиқмади. Шу йил 7 февралда газетанинг иккинчи сони пайдо бўлди.

Большевикларнинг ҳаққоний сўзлари битилган бу яширин газета қўлма-қўл бўлиб кетди. «Солдатский листок-Правда» РСДРП Тошкент группаси ҳарбий революцион ташкилотининг органи ҳисобланарди

1906 йил февралида Тошкентда большевиклар ташаббуси билан Туркистондаги барча РСДРП ташкилотларининг конференцияси чақирилди. Унда РСДРП Туркистон ташкилотлари иттифоқи тузилди. «Солдатский листок-Правда» газетаси ўлкадаги ана шу барча ҳарбий революцион ташкилотларнинг органига айлантирилди.

Партия тарғиботининг жанговар минбари бўлган газетанинг иккинчи сонида босилган «Ишчилар нима истайди?» бош мақоласида солдатлар чоризмни ағдариш, демократик республика ташкил қилиш учун курашга даъват этилди. «Подшо ҳукумати подшо бош бўлган олтин погонли аблаҳлар тўдасини ҳимоя қилади, деб ёзган эди газета. Биз, ишчиларнинг ташқи душманларимиз йўқ. Аммо хавфли ва даҳшатли душманимиз-ички душманимиз бор. У бой, капиталистлардир». Газета солдатларни чоризмга қарши курашга киришган халқ билан бирлашишга, қўзғолон кўтарган «Потёмкин» броненосеци матросларидан ўрнак олишга чақирди. У халқни полиция зулмидан ҳимоя қилишга ва командирлар буйруқларига бўйсунмасликка даъват этди.

1906 йил давомида газетанинг олтита сони 2-3 минг нусхада босилиб чиқди. Май ойида полиция яширин босмахона изига тушишга муваффақ бўлди.

1906 йил 3 июлда Тошкентда кўтарилган сапёрлар қўзғолонини тайёрлашда ҳам газетанинг хизмати катта бўлди.

**Ҳ. СОДИҚОВ,**
**тарих фанлари кандидати.**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР**

# «ЧОРВАЧИЛИК МАВСУМИЙ МАВЗУ ЭМАС»

**ОҲАНГАРОН ва Паркент йирик чорвачилик районлари ҳисобланади. Улар бир-бири билан мусобақадош. Бу районларда чорвачиликни ривожлантириш учун баъзи тадбирлар амалга оширилмоқда. Лекин чорва туёғини кўпайтириш, маҳсулдорлигини ошириш, ем-хашак базасини мустаҳкамлашда қатор муаммолар ҳам бор. Ана шу муаммоларни район газеталари саҳифаларида ёритишга яхши эътибор берилмаётгани газетамизнинг 1985 йил 12 декабрь сонида босилган мақолада танқид қилинган эди.**

**Паркент район партия комитетининг биринчи секретари И. Салимовдан олинган жавобда мақолада кўрсатилган камчиликлар «Паркент тонги» газетаси фаолиятида мавжуд эканлиги қайд этилади.**

**Газетада босилган танқидий мақола редакция коллективи иштирокида муҳокама қилинган. Редакция коллективига чорвачиликда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни ёритишда тезкорлик етишмайди. Босилаётган мақолаларда йўл қўйилаётган нуқсонларнинг туб сабаблари атрофлича анализ қилинмайди. Илғор чўпонларнинг ибратли иш тажрибалари кам ёритилади.**

**Редакция коллективи чорвачиликнинг ҳақиқий аҳволини ҳар томонлама ёритишга қаратилган янги тадбирлар ишлаб чиқди. Бундан буён системали равишда илғор чорвадорлар ва мутахассисларнинг мақолаларини бериб бориш, район агросаноат бирлашмаси мутахассислари ёрдамида вақти-вақти билан рейдлар ўтказиб туриш, илғорлар тажрибасини кенг ёйиш кўзда тутилди.**

**Оҳангарон район партия комитетининг биринчи секретари Т. Миркомиловнинг юборган жавобида газетамизнинг 1985 йил 12 декабрь сонида эълон қилинган «Чорвачилик мавсумий мавзу эмас» ҳамда 29 ноябрь сонида босилган «Шаҳар ва район газеталарининг муҳим вазифалари» сарлавҳали матбуот обзорлари «Оҳангарон» район газетасининг бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинганлиги айтилади. Ҳар икки мақолада редакция адресига айтилган жиддий эътирозлар тўғри деб топилди.**

**Газетада ёритилаётган материалларнинг мазмунини яхшилаш ва географиясини кенгайтириш, газета жанрларини кўпайтириш, партия ташкилотларининг меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг илғор усулларини жорий этиш бўйича амалга ошираётган фаолиятини, меҳнаткашларни чорвачиликни янада ривожлантиришга сафарбар этиш мавзусидаги материалларни кўпроқ бериб бориш редакциянинг 1986 йилга мўлжалланган перспектив планида кўзда тутилди.**

**Редакциянинг чорвачилик бўйича штатсиз авторлар коллективи янгиланди. Ишчи-қишлоқ мухбирлари университети ташкил қилиниб, машғулотлар бошлаб юборилди. Газетанинг редакцион коллегияси ва партия ташкилоти матбуот обзорида кўрсатилган камчиликларни тезда бартараф этиш тадбирларини кўрмоқда, дейилади жавобнинг охирида.**

